



XASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 4-SENTYABR, YAKSHANBA, 37 (669)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БИЛАН ВИДОЛАШУВ

Мамлакатимиз, бутун халқимиз огир жудолликка учради. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов 2016 йил 2 сентябрь куни вафот этди. Шу муносабат билан 2016 йил 3 сентябрдан мамлакатимизда уч кунлик мотам эълон қилинди. Мамлакатимизда ва хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси элчихоналарида Ўзбекистоннинг давлат байроқлари туширилди.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари кўчаларида ўн минглаб ватандошларимиз чуқур қайғу ва кўз ёшлари билан Президентимиз билан видолашди.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 3 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов билан видолашув маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, сенаторлар, депутатлар, вазирилик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан вакиллар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Маросимда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Россия Федерацияси Бош вазири Дмитрий Медведев, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири ўринбосари Чжан Гаоли, Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари Ли Жун Сук, Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Октай Асадов, Грузия Республикаси Бош вазири Георгий Квирикашвили, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбай Жээнбеков, Туркия



Республикаси Бош вазири ўринбосари Тугрул Йилдирим, Украина Бош вазирининг биринчи ўринбосари Степан Кубив, Бирлашган Араб Амирликлари давлат вазири Рашид бин Аҳмад бин Фаҳад, Арманистон Республикаси парламенти вице-спикери Эрмине Нагдалян, Япония парламент вазири Мотомэ Такисава, Эрон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири Мухаммад Жавад Зариф, МДҲ Ижрочи котиби Сергей Лебедев ва бошқалар катнашди.

Маросимни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев очиб, Ислам Каримовнинг оила аъзоларига, халқимизга чуқур ҳамдардлик билдирди. "Нуроний" жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Я.Иноятов, Ўзбекистон халқ шоири Э.Сиддиқова ва бошқалар Ислам Каримовнинг халқимиз бахт-саодати йўлида амалга оширган буюк ишлари ҳақида сўз юритди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов том маънодаги ватанпарвар инсон ва буюк давлат арбоби, доно сиёсатчи Ислам Каримовнинг барча ташаббуслари халқаро майдонда қўллаб-қувватланганини, Туркменистонда ёшу қари у кишини чин дилдан ҳурмат қилишини таъкидлади. Ислам Каримов Туркменистон – Ўзбекистон ҳамкорлигини изчил ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини қайд этиб, Туркменистонда майдон ва кўчаларга Ислам Каримов номи берилишини маълум қилди.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан халқимизга ҳамдардлик билдириб, Ислам Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ўз халқи ва Ватанига фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунаси эканини таъкидлади. Ислам Каримовнинг оқилона сиёсати натижасида Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик қарор топгани, тараққиётнинг "ўзбек модели" самарасида мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 6 баробар ўсгани ва аҳоли турмуш даражаси юксалганини алоҳида қайд этди.

Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани Афғонистон ва Ўзбекистон халқлари азалдан яхши қўшничилик муносабатларида яшаб келаётганини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирди. Ислам Каримов Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган ШХТ саммитида Президентимиз билан учрашуви ғоят мазмунли бўлганини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси Бош вазири Дмитрий Медведев Ислам Каримовнинг оила аъзолари ва Ўзбекистон халқига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин номидан таъзия билдирди. Ислам Каримов буюк давлат арбоби бўлганини, ўз халқига, Ватанига хизмат қилишни юқори даражага кўтарганини таъкидлади. Ислам Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар иттифоқчилик даражасига кўтарилишига катта ҳисса қўшганини алоҳида қайд этди.

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири ўринбосари Чжан Гаоли Ислам Каримов мустақил Ўзбекистон Республикасининг асосчиси эканини, ўтган йилларда Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланганини таъкидлади. Ислам Каримов бошлаган буюк ишлар давом этиши ва мамлакат янада равақ топишига ишонч билдирди. Ислам Каримовнинг улкан хизматлари билан жорий йилнинг июнь

ойида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилганини, Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни изчил ривожлантиришга тайёр эканини қайд этди.

Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг халқимизга ҳамдардлик билдирилган мактубини ўқиб берди. Унда Қозоғистон халқи Ислам Каримов вафот этгани тўғрисидаги машҳур хабарни чуқур қайғу билан қабул қилгани айtilган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳаётида рўй берган кенг қўламли ўзгаришлар, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи юксалгани, аҳоли турмуш даражаси ошгани бевоқифа Ислам Каримов номи билан боғлиқ экани таъкидланган. Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган Ислам Каримовнинг оила аъзоларига, бутун халқимизга ҳамдардлик билдирилган.


Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко ва беларусь халқи номидан Ислам Каримовнинг оила аъзолари, яқинларига, бутун халқимизга чуқур ҳамдардлик билдирди. Буюк инсон, улғу йўлбошчи бўлган Ислам Каримов бутун куч ва имкониятларини ўз халқи, Ватани равақига сарф этганини таъкидлади. Президентимизнинг "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузман" деган ҳикматли сўзлари мустақил ва қудратли Ўзбекистон Республикасини барпо этишда асос бўлганини, бугун мамлакатимиз кўптармоқли иқтисодиётга эга, тинчлик элчиси бўлган давлатга айланганини қайд этди.

Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбай Жээнбеков Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбаевнинг Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти вафоти муносабати билан халқимизга чуқур таъзия билдирилган мактубини ўқиб берди. Унда буюк давлат арбоби, доно сиёсатчи Ислам Каримовнинг қатъий савб-ҳаракатлари билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларга ижобий ечим топилгани, бу бугунги кунда ҳам халқларимиз манфаатларига хизмат қилаётгани таъкидланган.

Мусулмончилик урф-одатларига биноан Регистон мажмуасидаги Тиллақори мадрасасида жаноза намози ўқилди. Ислам Каримов ўзининг васиятига биноан ота-онаси мангу кўним топган Шоҳи Зинда қабристонда дафн этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мамлакатимиз мустақиллиги ва янги давлатчилигининг асосчиси, буюк сиёсатчи, тинчликпарвар ва халқпарвар давлат раҳбари, доно ислохотчи ва комил инсон Ислам Каримовнинг сўнмас хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади. Бу видолашув маросимида иштирок этган ўн минглаб ватандошларимиз, бутун халқимиз дилидаги сўзлардир.

ЎЗА



Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан Нукус шаҳар Ёшлар марказида мотам маросими бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси ва Вазирилар Кенгаши, Шимоли-ғарбий ҳарбий округи, Нукус шаҳар ҳокимлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА АБАДИЙ ЯШАЙДИ

— Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. — дейди Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи директори Светлана Сон. — Давлатимиз раҳбарининг болаларга меҳри бўлачқа эди. Ёш авлод тарбиясига алоҳида аҳамият қаратиб, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол улғайиши учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий шароитлар яратилди. Айниқса, етим болаларнинг бошини силаб, ғамхўрлик кўрсатиб, жамиятда ўз ўрнини топиши учун улкан имкониятлар яратди. Бунинг натижасида кўплаб тарбияланувчиларимиз турли соҳаларнинг етуқ мутахассиси бўлиш билан бирга бугунги бунёдкорлик ишларининг фаол иштирокчисига айланди. Ғоят чуқур қайғудамиз.

— Мен зришган барча муваффақиятлар замирида юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва биз, ёшлар учун Президентимиз томонидан яратиб берилган кенг имкониятлар мужассам, — дейди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети магистри А.Пахратдинова. — Биз, ёшлар мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ғамхўрлигига муносиб бўламиз, давлатимиз раҳбарининг порлоқ хотирасини ҳеч қачон унутмаймиз, доимо ёдда сақлаймиз.

Бундай тadbирлар Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларида ўтказилмоқда.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири

ПОРЛОҚ ВА МАНГУ ХОТИРА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан Андижон вилоятининг барча туман ва шаҳарларида мотам тadbирлари ўтказилмоқда.

Эрта тонгдан корхона, ташкилот ва таълим муассасалари вакиллари, ёшлар, умуман, минглаб андижонликлар Андижон шаҳридаги Бобур номидаги майдонга келиб, Юртбошимиз портрети пойига гулчамбарлар қўйди.

Андижон аҳли вилоятдаги бунёдкорлик, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ барча зғу ишлар бевоқифа муҳтарам Президентимиз номи билан боғлиқ эканини яхши билади. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Асака шаҳрида автомобиль заводи барпо этилди, вилоят, айниқса, Андижон шаҳри қиёфаси тубдан янгиланди, юзлаб замонавий таълим муассасалари, мухташам спорт иншоотлари, маданият ва мусиқа масканлари, намунавий лойиҳалар

асосида 5 мингдан зиёд уй-жой қурилди. Бунинг самарасида вилоят иқтисодиётида санатнинг улуши тобора ортиб, аҳоли фаровонлиги муттасил юксалмоқда.

Андижон вилояти ҳокимлигида Ислам Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган "Хотира хонаси" ташкил этилди. Бу ерда халқимизнинг мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида эришган улкан ютуқ ва марраларини акс эттирувчи фотосуратлар, давлатимиз раҳбарининг китоблари ўрин олган. Улкан экран орқали Президентимиз Ислам Каримовнинг Андижон вилоятига ташрифлари ва андижонликлар билан самимий суҳбатлари тасвирланган видеолавҳалар намойиш этилди.

— Президентимиз Ислам Каримов номи Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилади, хотираси халқимиз қалбидан ҳеч қачон ўчмайди, — дейди "Меҳнат шўхрати" ордени соҳиби, ёзувчи Қамчибек Кенжа. — Чунки бу инсон ташаббуси ва раҳбарлигида мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Халқимизнинг турмуш фаровонлиги тубдан юксалди.

Вилоят марказидаги Бобур номидаги майдонда, туман ва шаҳарлар марказларида ўтказилган мотам маросимларида ўн минглаб юртдошларимиз Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига эҳтиром кўрсатди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

Давом 2-саҳифада

ЖАРАЁН

«Давомий. Бошлангич 1-сакрафта»
Буюк давлат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов вафоти муносабати билан Сурхондарё вилоятида ҳам мотам маросимлари ўтказилмоқда.

ЧУҚУР ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Термиз шаҳар Ёшлар маркази биносидида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар Президентимиз хотирасига таъзим баҳо келтирди.

Сурхондарё вилоятининг мустақиллик йилларида иқтисодий барқарор, санъати ривожланган ҳудудга айланиб, аҳоли турмуш даражаси муттасил юксалиб бораётгани Ислам Каримов номи билан боғлиқдир. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган туб таркибий ўзгариш ва янгиланишлар вилоятда замонавий санъатни изчил ривожлантиришга хизмат қилди. Хорижий сармоялар иштирокида ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарув-

чи 50 дан ортқ қўшма корхона ташкил этилди. "Шингдонг Спиннинг Термиз" қўшма корхонасида пахта толасидан, "Интер силк про" қўшма корхонасида пилла хомашасидан ип-калава, "Гранд шифер" қўшма корхонасида қурилиш материаллари, "Ново Фарм" қўшма корхонасида фармацевтика воситалари, "Жарқўрган нефтни қайта ишлаш" қўшма корхонасида нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тошгузар – Бойсун – Қумқўрган темир йўли барпо этилгани халқимизнинг азалий орзуларини рўйбга чиқарди. "Хонжиза" полиметалл рудалар кони негизда йилгига 650 минг тонна руда қазиб олиш ва бойитиш қувватига эга "Хонжиза" кон-бойитиш мажмуаси ишга туширилди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири

Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган замонавий уй-жойлар қишлоқ аҳолиси учун муносиб турмуш шароити яратишда муҳим аҳамият касб этди. Вилоят маркази Термиз мамлакатимизнинг жанубдаги мустақкам қўргони, замонавий шаҳарга айланди.

Фермерлик ҳаракати аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида қишлоқда етакчи кучга айланиб, аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлайдиган етакчи куч сифатида эътироф этилмоқда.

– Халқимиз оғир жудодликка учради, – дейди термизлик меҳнат фахрийси Робия Тилакова. – Ватани севиш, инсонни, фарзандларини улуғлашни дунёга кенг намоён этган халқпарвар Юртбошимиздан айрилиб қолдик. Мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари самарасидан ёшу кекса бирдек баҳраманд бўлмоқда. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида қад ростлаган замонавий таълим муассасалари, спорт иншоотлари навқирон авлоднинг бахту камалига хизмат қилаётди. Миллий қадриятларимиз қайта тикланиб, буюк аждодларимиз мангу қўним топган муқаддас қадамжоларни авайлаб-асрашдек зғу ишлар рўйи ҳам Ислам Каримов хизматлари самарасидир. Халқимиз Президентимизнинг ёрқин хотирасини ҳеч қачон унутмайди.

Хусусий мулк ҳимояси ва кафолати

истиклол йилларида янада мустақкамланди

Элбек ШУКУРОВ,

Олий Мажлис
 Қонунчилик
 палатаси депутати,
 О'зLiDeP фракцияси
 аъзоси



✓ Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб иқтисодиётни либераллаштириш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириб, жадал равнақ топтириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги, хусусий мулк ҳамда хусусий тадбиркорлик ҳуқуқлари ҳимояси кафолатланиб, мазкур жараён изчил давом эттириляётди.

Гарчи мулк борасидаги дастлабки ҳуқуқий ислохотлар 1990 йилдаги "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши билан бошланган бўлса-да, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши ва унда мулкдорларнинг ҳуқуқлари кафолатланиши бу борада тарихий воқеа бўлди. Бош Қомусимизда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқий асослар туфайли ўтган давр мобайнида юртимизда хилма-хил мулк шакллари ташкил топди ва ривожланиб бормоқда.

Айтиш жоизки, 2015 йил 15 майда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармоннинг қабул қилиниши соҳада амалга оширилган изчил ислохотларни янги босқичга кўтарди, десак асло муболага бўлмайдди. Энг аввало, мазкур фармон давлат органлари тизими олдига тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги амалдаги қонунчиликни янада

такомиллаштиришдек масъулиятли вазифани қўйди. Уни амалга ошириш учун, аввало, тадбиркорлар фаолиятини тартибга солидиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли таҳлил қилиш, уларни инвентаризациядан ўтказиш, мавжуд эҳдиёт ва ўзаро номувофикликларни аниқлаш, бугунги кунда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига тўсиқлик қиладиган нормаларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш лозим эди. Фармон ижроси доирасида турли вазирлик ва давлат идоралари, тадбиркорлар, қолаверса, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокамалар ташкил этилди. Ушбу амалий сый-ҳаракатлар натижасида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга; уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. 2015 йилнинг 20 августидан кучга кирган мазкур қонун асосида амалдаги 33 та қонун ва 10 та кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Улар ўз моҳиятига кўра, мамлакатимизда хусусий мулк ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ишончли ҳимоя қилиш механизмларини янада кучайтиришга йўналтирилган.

Хусусан, қонундаги янги мевёрларга асосан, агар шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида белгиланган жиноятни (солиқлар төва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) илк мартаба содир этиб, жиноят аниқланган кундан бошлаб, 30 кун давомида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ҳамда бошқа молиявий жарима турларини тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги ва шахс жавобгарликдан озод этилишини кўзда тутувчи тартиб жорий қилинди. Бундан ташқари, тадбиркорнинг моддий аҳоли ва солиқлар төва қиймати миқдориди жарима солишга сабаб бўлар, шу билан бирга, кириш қилинмаган товарлар тўлиқ давлат ҳисобига ҳам ўтказилар эди.

Янги қонун нормаларига биноан, қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида кириш қилинмаган товарлар давлат ҳисобига ўтказилганда, Солиқ кодексиди назарда тутилган юқоридаги молиявий санкциялар қўлланилмайди.

Яна бир муҳим жиҳати, Жиноят кодексининг 180 ва 181-моддаларида қайд этилган қилмишларни содир этган шахс етказилган моддий зарарни уч қарра миқдориди қоплаган тақдирдагина, унга озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмас эди. Энди етказилган моддий зарар ўрни қопланишининг ўзи тадбиркорга нисбатан озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлланилмаслигини кафолатлайди. Бу каби янги ҳуқуқий нормалар мулкдорлар моддий аҳолининг барқарорлигини таъминлабгина қолмай, уларга катта маънавий куч ва фаолиятини янада ривожлантиришга далда беради.

ИМКОНИЯТ

"ISTIQLOL DIZAYN" – катта йўлга қадам

Намангандаги "Istiqol dizayn" масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланаётган эркаклар костюм-шим ва камзуллари юқори сифати билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Айни пайтда бу ерда йилгига 1 миллиард 300 минг сўмлик қийматдаги эллик турдаги либослар ишлаб чиқариляпти. Жамият аъзолари ўтган йилларда маҳсулот сифати ва кўринишини халқор талаб даражасига кўтариш йўлида астойдил меҳнат қилиб, ISO:9001 халқаро сертификатини олишга муваффақ бўлдилар.



2014 йилда Наманган шаҳрининг Давлатобод ҳудудидида "Истиқлол дизайн маркази" қурилиши ва янги технологиялар билан жиҳозланиши учун 2 миллиард сўмга яқин миқдорда сармоа йўналтирилди. Бинонинг биринчи қаватидида дизайн ва модалар маркази жой олди, юқори қаватларда эса йилгига 10 минг дона эркаклар кийимлари ишлаб чиқариш қувватига эга лойиҳа амалиётга татбиқ этилди. Натижада меҳнат жамоаси 50 кишига кўпайиб, 110 нафарга етди.

Яқинда Ўзбекистон Савдо-санъат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма лойиҳасига мувофиқ, Ўзбекистон бизнес-форуми томонидан "Sasol" компаниясининг молиявий кўмаги асосида ушбу корхона қошида энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган "Либослар дизайн маркази" очилди.

– Маҳсулотни янада сифатли ишлаб чиқариш бугуннинг талабидир, – дейди корхонанинг модельер-конструктори Дилобар Ҳайитбоева. – Бугундан иш бошлаган "Либослар дизайн" марказида ўрнатилган энг сўнги русумдаги компьютер технологиялари асосида автоматлашган лойиҳалаш, моделлаш, рақамли эскизлардан фойдаланиш тизими йўлга қўйилди. Бу санъат эстетикаси бўйича мутахассис рассомларнинг ишини сезиларли даражада энгиллаштиради, вақт ва сарфни тежайди. Ҳар бир бюртмага асосан аниқ ўлчамдаги намуналар ушбу дастур ёрдамида пухта қилиб тайёрланади.

Марказда асосан ёшларни, хусусан, касб-хунар коллежи битирувчиларини ўқитиш кўзда тутилган. Улар уч ой давомидида малакали мутахассислардан ушбу янги дастур билан ишлаш амалиётини ўрганишади. Жорий йилнинг ўзида 50 дан ортқ ёшларга ушбу марказда дизайн ва моделлаштириш

сабоғи берилиб, 10 нафар энг иқтидорли битирувчини ишга қабул қилиш кўзда тутилган.

– Мен танлов эълон қилинганини эшитиб, мазкур марказга ўқишга келдим, – дейди Наманган қурилиш дизайн касб-хунар коллежи ўқувчиси Нодира Абдужаббарова. – Бу ерда устозлардан янги дастур асосида энг замонавий ва миллий услубдаги уст-бошларнинг бичимини тайёрлаш, моделлаштиришни ўрганмоқчимман.

Дарҳақиқат, "Либослар дизайн" марказида яратилган имкониётлардан унумли фойдаланиш юртимизда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи орттиришига, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга хизмат қилади.

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
"XXI asr" мухбири

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Фарғона тумани кенгашининг янги барпо этилган ўқув спорт-техника клуби фойдаланишга топширилди.

Янги клуб иш бошлади

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислох қилиш, соҳага малакали кадрлар етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Бу ёшларда интизом, қатъият, мардлик, матонат ва масъулият каби фазилатларни юксалтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳам бўлажак аскарларни армия сафларида хизмат қилишга жисмонан, маънан ва техник тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

"Ватанпарвар" ташкилотининг Фарғона вилояти, шаҳар ва туманлар кенгашиларида ҳам ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол юғларига садоқат руҳида тарбиялаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фойдаланишга топширилган ушбу ўқув спорт-техника клуби мустақиллигимизнинг йилгига беш йиллик байрамига муносиб туҳфа бўлди. Клубнинг ўқув хоналари замонавий ўқув-техника воситалари билан жиҳозланган, "В" ва "ВС" тоифадаги ҳайдовчилар тайёрлаш курси фаолияти учун зарур шароит яратилган.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири

"Сайловчилар ишончини оқлайман"

Ёшлигимда пойтахтлик дугоналаримнинг бирини Арнасойга меҳмонга таклиф қилганимда, у минг истиҳола билан: "Хафа бўлмагини ўша куш учса қаноти, одам юрса оёғи куйадиган чўлу биёбонда қандай яшайсиз?", деганида рост кўнглим ранжиганди. Унинг сўзлари таъсир этиб, шаҳардан қайтаётганда йўл-йўлакай автобус ойнасидан атрофни синчковлик билан кузатиб келганим ўшанда. Адоғи йўқ пахта далалари, бир-бирига ўхшаш аҳоли масканлари...

Шуқрор, у кунлар ортда қолди. Истиқлол шарофати билан бошлаб юборилган ислохотлар қўламини туманимизни ҳам қамраб олди. Замонавий мактаб, касб-хунар коллежи, санъат ва спорт саройлари, намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уй-жойлар, кўчаларни тўлдириб ўтаётган – Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автоуловлар.

Мен ҳам яратилган шароитдан фойдаланиб, 2009 йилда "Гулмира фото" маъмурий хизмат кўрсатиш уйини очишга муваффақ бўлдим. Микрокредитбанкнинг туман филиалидан 35 миллион сўм миқдоридида кредит олиб иш бошладим. Ҳозирда б нафар малакали ходим кўмағида аҳолига сифатли фото ва видео хизмати кўрсатиб келяпмиз. Келажакда меҳмоноҳна очмоқчимиз.

Айни дамда сайловчиларимнинг талаб ва таклифлари асосида жойлардаги мавжуд муаммоларга ечим топиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, аёлларимизни, айниқса коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳаракатидаимиз.

Гулмира ЗОЙДОВА,
Халқ депутатлари Арнасой тумани Кенгаши депутати,
тадбиркор
Жиззах вилояти

Солиқ юки энгиллашмоқда

✓ Самарқандда мустақиллик йилларида солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. "Ислохотлар йўлидан истиқбол сари" номли тадбирда вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Зафар Норқўзиев журнал-листларга ўтган даврда соҳада юз берган ижобий ўзгаришлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Хусусан, ўтган йиллар мобайнида солиқ юки ялпи ички маҳсулотга нисбатан анча камайди. 1995 йилда бу кўрсаткич 41,2 фоизни ташкил этган. Ўтган йили эса у 20 фоизга тенг бўлди. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 2005 йилда 15 фоиз эди, жорий йилда эса 7,5 фоиз қилиб белгиланди, яъни, икки баробарга камайди. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳам йилдан-йилга камайиб бораётди. 2005 йилда мазкур солиқнинг юқори шкаласи бўйича солиқ ставкаси 32 фоизни, куйи шкаласи бўйича 13 фоизни ташкил этган бўлса, амалдаги йилда мос равишда 23 ва 7,5 фоизни ташкил қилди.

Шу ўринда айтиш зарурки, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари учун талай солиқ имтиёзлари мавжуд. Жумладан, давлатимиз Биринчи Президентининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун фойда солиғи, мол-мулк солиғи ҳамда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жағмармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан

озод этиш каби имтиёзлар муддати 2018 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди. Мазкур имтиёзлар туфайли жорий йилнинг биринчи ярмида 1164974,8 минг сўм маблағ вилоятда фаолият юритаётган корхона ва микрофирмаларнинг ўз ҳисобидида қолди. Бу эса корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, модернизациялаш сингари ишларни амалга оширишда кўп келади. Масалан, Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган "Зарафшон текстил" МЧЖ шу имтиёзлар асосида тежаб қолган 186842,8 минг сўмлик маблағни хомашё базасини янада мустақкамлашга йўналтиришни режалаштирди.

Анжуманда солиқ идоралари вакиллари жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар билдириб, мулоқот иштирокчиларининг саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

Тадбирда мутасаддилар томонидан солиқ бошқармаси ва унинг қуйи бўлимида фуқароларни қабул қилиш ҳамда уларнинг мурожаатларини тинглаш учун барча шароитлар яратилгани, махсус хоналар тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлангани қайд этилди.

Мухаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Тинч юртда тараққиёт бардавом

ЭЪТИРОФ



Ўткир ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Ҳақиқатан ҳам шундай. Тинчлик туфайли эмин-эркин яшаб умргузорлик қилиш, озодлик ва эркинлик каби муқаддас тушунчаларни юракдан ҳис этиб яшаш мумкин.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда тинчлик, ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш мисотида давлатларнинг ядросиз ривожланиш ҳамда оммавий қирғин қуролининг назоратсиз тарқалиши таҳдидларига қарши фаол кураш йўлидаги ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берар эди. Бу ташаббусда минтақа ва унинг атрофидаги мураккаб геосиёсий шароитлар, қафолатланган халқаро-ҳуқуқий таъминланиш зарурати нуқтаи назардан бундай турдаги қуролашга эга бўлмаган Марказий Осиё давлатларининг ҳавфсизлиги ҳисобга олинган. Айна шу омиллар, халқаро экспертларнинг фикрича, Марказий Осиёнинг барча мамла-

катлари томонидан қўллаб-қувватланган Ўзбекистон ташаббусининг муваффақиятли амалга ошишига хизмат қилди.

Ядро қуролидан холи зоналарни шакллантириш жараёни, одатда, барча иштирокчи давлатларнинг ҳамда уларни қўллаб-қувватловчи ташкилот ва мамлакатларнинг давомли, кескин ва мақсадга йўналтирилган фаолиятини талаб қилгани ҳолда узоқ йилларга чўзилиши мумкин. Нуфузли халқаро ташкилотларнинг эътирофи эътишча, бундай сазой-ҳаракатлар натижалари ўзини оқлайди, зеро, у инсониятни оммавий қирғин қуроли тарқалишининг олдини олиш ва бутун дунёда ядровий ҳавфсизлик таъминланишига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, терроризм, диний экстремизмга қарши курашиш борасидаги сиёсати миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган. Жумладан, "Мудофаа тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида", "Терроризмга қарши кураш тўғри-

сида", "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ҳавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ҳамда "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги қонунлар юртимизда яшайдиган барча фуқаролар ҳавфсизлигини, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Кези келганда айтиш жоизки, юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолиятини концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун тинчликни таъминлаш ва қафолатлашда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлашни истардик. Зеро, мазкур қонунда Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсат олиб бориши ва ҳарбий-сиёсий блоklarда иштирок этмаслиги, ҳар қандай давлатлараро тузилма ҳарбий-сиёсий блока айланганидан бўлса, ундан чиқиб ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши қайд этиб қўйилган.

Мухтасар айтганда, биз тинчликсевар халқмиз. Уйимиз, маҳалламиз, юртимиз тинч бўлса, хотиржам меҳнат қилиб, ҳар қандай ютуқ ва маррага ўз кучимиз билан эришамиз. Шу боис ҳар биримиз, энг аввало, фарзандларимизга, оила аъзоларимизга бу бебаҳо неъматнинг, осуда ҳаётнинг қад-қимматини тушутириб берсак, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Партияимизнинг "Бухоро халқаро аэропорти" давлат унитар корхонасидаги бошланғич ташкилотда "Парламентда менинг ўрним" лойиҳаси доирасида тадбирлар бўлиб ўтаётди. "Ёшлар ва миллий қонунчилик" мавзусидаги ана шундай тадбирда Халқ депутатлари вилоят ва туман, шаҳар Кенгаши депутатлари ёшлар билан учрашди. Унда О'зЛиДеР ҳудудий ва маҳаллий Кенгаши аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими мутахассислари ҳамда партия масъул ходимлари ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари иштирок этди.

ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА



Соғлом миллат кафолати

О'зЛиДеРнинг Сайловолди дастурида соғлиқни сақлаш тизимини мунтазам ривожлантириб бориш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, хусусий клиникалар ташкил этиш орқали соғлом рақобат муҳитини яратиш устувор йўналишлардан этиб белгиланган.

Юртимизда она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дейди О'зЛиДеР Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудирини Севара Муслимова. - Натижада аёлларнинг ўртача умри 67 ёшдан 75 ёшга ўзайди. Утган йилларга нисбатан оналар ўлими 3,1, болалар ўлими 3,2 баробарга камайиб, болалар саломатлиги учун улкан гам-хўрлик кўрсатилган дунёдаги ўнта мамлакат қаторидан Ўзбекистон ҳам жой олди.

Ёшлар манфаати қонун ҳимоясида

— Вақт ўтгани сайин мустақиллигимизнинг қадри ва аҳамияти ортмоқда. — деди Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими раҳбари Жасур Болтаев. — Ўтган чорак асрни сарҳисоб қилар эканмиз, истиқлол неъматларига шукрона келтирамиз. Биргина мисол, илгари мавжуд бўлмаган, бугун эса жамиятимизнинг қудратли таянчига айланиб бораётган мулкдорлар синфининг жадал ривожланиб, мамлакат тараққиётига ҳисса қўшаётганидан қувонмай бўладими? Қисқа муддатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Айна шу тармоқда иш билан банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қилмоқда.

Айтиш жоизки, ялли ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи таълим соҳасига йўналтирилган. Жаҳон таърибасида бу кўрсаткич ўртача 3-5 фоизни ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистон давлат бюджетининг қарий 60 фоизини ижтимоий соҳага йўналтирадиган дунёдаги санқили давллатлар сирасига кириди. Натижада юртимизда ҳар йили қўллаб таълим муассасалари қад ростламоқда, энг чекка қишлоқларда ҳам спорт мажмуалари барпо этилмоқда.

Тадбир ниҳоясида партия сафига қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Азиз ҲАКИМОВ, О'зЛиДеР Бухоро вилоят Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудирини

Айтиш жоизки, партияимизнинг «Соғлом оила — мустақам оила» лойиҳаси доирасида ўтказиб келинаётган тадбирлардан асосий мақсад ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий саводхонликни ошириш, чекка ҳудудларда қизларни спортга кенг жалб этиш, балогатга етмаган қизлар ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибати ҳақида тарғибот ишларини олиб боришга қаратилган. Утган ярим йил давомида 400 дан ортиқ ана шундай семинар ташкил этилиб, малакали мутахассислар томонидан 17 минг 914 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Дилноза НОМОЗОВА, "XXI as" мухбири

МИННАТДОРЛИК

Изланганга имкон бор

Тадбиркорлик ота-боболардан мерос ҳислат бизга. Фақат авваллари бу ҳислат оиладан, уйдан ташқарига чиқмаган. Истиқлол туфайли ана шундай одатларимиз оммалашиб, тадбиркорлик деган чиройли ном билан эл орасида доврўг таратди.

эткид ва либос, пардалар тикишни йўлга қўйдик. Бундан ташқари "Сарвар – Самариддин – Сардор" фермер хўжалигининг 82 гектардан ортиқ майдонига пахта, бугдой экидик, боғдорчиликда ҳам мўл ҳосил етиштиряпмиз.

Бир вақтнинг ўзига депутат, фермер, маҳалла раиси сифатида фаолият юритиши кишидан кучли ирода, қатъият, ташкилотчилик талаб этади. "Изланганга имкон бор, ишлаганга саодат", деганларидек меҳнатимиз ортидан келган даромадлардан орттириб кам таъминланган, эътиборга муҳтож оилаларга ёрдам бериб, кексалар дуосини олишга интиламан.

Дарвоқе, бизнинг халқимиз азалдан бир-бирига ёрдам бериб, қўллаб-қувватлашни ўзининг бурчи деб билган. Қолаверса, биз аёлларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ана шундай хайрли амалларни бажаришга ундайди.

Гулнора ШАМСИЕВА, "Шухрат" медали соҳиби, "Тошлоқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Ғажудун тумани

ИФТИХОР

Оловқалб авлод

Юртимизнинг барча гўшалари каби айна пайтда Арнасой ҳам катта бунёдкорлик ва ўзгаришлар оғушида. Масалан, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги 21 та умумтаълим, 7 та мактабгача таълим, 2 та мактабдан ташқари ва 1 та Болалар мусиқа ва санъат мактаби истиқлол йилларида тўлиқ қайта таъмирланиб, замон талаблари даражасида жиҳозланди. Умумтаълим мактабларидаги 5 минг 815 нафар ўқувчи ва мактабгача таълим муассасаларидаги 420 нафар тарбияланувчиларга 519 нафар педагог ва тарбиячилар устозлик қилмоқда. Улардан 22 нафарининг иш фаолияти туман бўйича, 5 нафариники эса вилоят бўйича оммалаштиришга лойиқ, деб топилди.

Утган ўқув йилида 602 нафар битирувчимиз ўзлари танлаган касб-хунар бўйича таълимнинг кейинги босқичини давом эттиришмоқда. Шогирдларимиз фан олимпиадалари, санъат соҳасидаги танловлар, спорт мусобақаларида салмоқли натижаларни қўлга киритишди.

Туманимизда турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Яқинда бўлиб ўтган "Ўзбекистон — умумий уйимиз" фестивалида иштирок этган ўқувчи ва ўқувчиларимиз ҳаммади лол қолдиришди. Чунки ёшларимиз нафақат ўз она тилида қўшиқ қуйлаб, шеър ўқишди, миллий рақсларни ижро этишди, балки Алишер Навоий газалларини ўзбек тилида, Пушкин, Гёте, Байрон шеърларини рус, немис, француз тилларида ўқишгани олиқшга сабаб бўлди. Тадбир сўнггида шогирдларимиз жўр бўлиб:

"Қўзи қора, юраги оқ шу эл учун, Тупроқ учун, шу юрт учун, чаман учун, Улуғ инсон бошлаб берган шу йўл учун, Айтгил дўстим нима қилдик, Ватан учун!", деб қуйлашганида нафақат менинг, балки барча тадбир иштирокчиларининг қалби тўлқинланиб кетди. 15-16 ёшли ўспиринларнинг қўшиққа айланган бу дил сўзини тинглар эканмиз, юртимизда дарҳақиқат, "Биз шу овоз ва жаннатонанд Ватанга нима бердик?", деган тушунчани дастуриламал қилиб олган, оловқалб, ватанпарвар авлод воёга етаётганига яна бир бор амин бўлдик.

Мирмуҳсин НИЗОМОВ, Арнасой туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирини, О'зЛиДеР фаоли

Мулкдорнинг нурли манзили

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

...Кўп йиллардан буён гандимийенлик Отажоновлар оиласида хонадон соҳиби Ниёзмат ота билан унинг ўғли, пешқадам қишлоқ мулкдори Собиржон ўртасида қизиқ "мусобақа" давом этиб келади. Тонгда барвақт уйғониб, дала ва фермаларни айланиб, шийпонга биринчи келган кун голиби ҳисобланади. Бугун ҳам "улоқ" Ниёзмат отада кетди. Собиржон шийпонга келганида отахон пахтаси очилаёзган гўза пайкалада кўсак санаб юрибди. Шийпон ёнидаги столда қовоқ турибди — бу тушликка шундан сомса пишириб беринглар, дегани бўлади. Ариқнинг бир четида ўсган райхон ҳиди димоқни қитиқлайди. Ётоғидан қизариб кўтарилган қуёш баркаши аввал Гандимийенга, ундан ўтиб Хиванинг асрий минос ва гумбазларига нур соча бошлади.

ҳўжалигига айлантирилди. 2015 йилнинг 2 апрелида фермер хўжалигида бошланғич партия тузилди, ташкилот аъзолари ўзларига Собиржонни раисликка сайлашди. Ташкилот барча ишларда фаоллик кўрсатяпти. Фермер хўжалигининг 87 гектар 70 сотих ер майдони бўлиб, уларга турли қишлоқ хўжалик экинлари экилган. Жамоада 37 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

— Биз истиқлол даврида Хива туманида биринчилардан бўлиб четдан наслили қорамолларни келтириб, қорамол зоти селекциясини яхшилаш бўйича муайян ишларни амалга оширдик, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, "Ниёзмат ота" фермер хўжалиги раиси Собиржон Отажонов. — Аҳолининг гўшт ва сўт маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида фермер хўжалигига 300 миллион сўмлик кредит эвазига 35 бош наслдор мол олдиқ. Фақат ушбу лойиҳа эвазига 5 та янги ишчи ўрни яратдик. Фермер хўжалиги тасарруфида 1 та сўт-товар фермаси, 3 та молхона бор. Боқилаётган 135 бош сигирнинг ҳар биридан 2015 йилда ўртача 15 литрдан сўт соғиб олиб, давлатга 231 тонна 700 килограмм сарқаймоқ сўт ва 29 тонна сара гўшт топширдик. Озуқалар сифати ва тўйимлилигини ошириш, сифатли пичан, силос, сенаж, озуқабол давлатга тайёрлашга алоҳида эътибор беряпмиз. Шунинг билан бирга ерларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив аҳолини яхшилаш ҳам диққат марказимизда. Утган йили бу мақсадларга 250 миллион сўм сарфладик. Хўжалиқда серҳосил, эрталишар "Хоразм — 127" гўза уругини қўлайтиряпмиз. 2013-2015 йилларда ўртача 40,1 центнердан пахта, 58,2 центнердан қалла ҳосили олдик. Энг муҳими, ҳаётимиз соат сайин фаровонлашмоқда. Келажак — ёшларники. Кейинги уч йилда 16 нафар коллеж битирувчисини ишга қабул қилдик. Луқмаи ҳалолнинг дўнг пешона, сазан ва оқ амуру турларини қўлайтириш ниятида майдони 16 гектар 10 сотихли сунъий сув ҳавзасида фермер хўжалигига янги йўналиш бўлган балиқчиликни ташкил қилдик. Шунинг билан бирга аҳолига сифатли севис хизмати кўрсатиш мақсадида ўзимиз яшаватган маҳаллада сартаршона, савдо шохобчаси, нон ишлаб чиқариш цехи ва тантаналар уйини фойдаланишга топширдик.

Ана шундай фидойи, изланувчан инсонларни бугунги давр кишилари десак арзийди.

Янгибоб ҚўЧҚОРОВ, "XXI as" мухбири

— Ассалому алайкум, ота!
— Ваалайкум ассалом, болам! Яхши ётиб турдингми? Ишларингни Яратган эгамнинг ўзи доимо ўнгласин! Кунинг баракали ўтсин...
Собиржон падири бузруквари яна нимадир демоқчи бўлганини сезиб, одоб билан жим турди:
— Ёшим саксонга кирди, — деди ота вазминлик билан. — Аччиқни ҳам, чучуқни ҳам тотиб қўрдим. Ун бир ёшимда энди кўкара бошлаган сабзимизни беғона ўтдан тозалаб ўтирсам, менга алоҳида меҳр билан қарайдиган ўқитувчим томоркамиз ёнидаги сўқмоқдан ўтиб қолди. Ўринидан туриб қўлимни кўксимга қўйиб салом бердим. Анча жойга боргач, орқасига қайтди. Қўлтигидан бир китобни олди. Зийрак бола бўлганим учун муқовасидаги "Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" деган сўзларни тез ўқиб олдим.

— Мана, эшит Ниёзмўхаммад! — деди у (адабийетдан таълим бергани, Чоқар ва Муганнийлар таъсирида шеър қоралаб юргани учун менинг исминини адабий тилда айтарди). — "Инсон умриндан бир дақиқасини, молдандан биргина чақасини ўринсиз ва ғайри мақсадларга сарфламасин!" дея чиройли қилиб ўқиди дона-дона қилиб.

Орадан етмиш етти йил ўтса ҳам мен бу ўғитни қулогимга кўрғошиндек қўйиб олганман. Мана, йигирма тўрт йилдан буён фермерсам. Ҳеч кимдан кам эмассан. Бироқ йилдан йил марра-ни бандан олишинг, замондан бир қадам олдин юришинг, вақтдан оқилона фойдаланишинг керак!

...Ота фотиҳасини олиб, янги техниканинг ҳужжатларини расмиyllаштириш учун ойнадек раван йўлдан соат сайин яшараётган, яшаётган азим Ургангача отланган Собиржон йўлининг икки

тарафига — янги аср уйларига кўз ташлаб қувонди. Отажон бувалар авлоди ўз умри давомида камиди уч марта уй янгилаган. Ниёзмат ота тенги авлод ҳам умрининг катта қисмини паҳса уйларда ўтказишди. Бугун янги уйлар, янги йўллар, янги пўлат излар, янги метин кўприклар юртга зеб бериб турибди.

Тўғри, Собиржон "Ниёзмат ота" фермер хўжалигини очганига 24 йил бўлди. Қишлоқда қалдириб қолган мулкдор бўлганида кўпчилик унга чин кўнглидан омад тиласа, Авлоний домла ибораси билан айтганда "Ҳақ тарафиндан берилган неъмат ва давлатнинг заволини" истаганлар биров гийбат ҳам қилишди. Йўлига тўсиқ қўйишга уринишди. Бироқ қарован ўз йўлидан кетаверди. Давлат мулкдорини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Авал қишлоқ хўжалиги соҳаси фақат пахтачилик билан шугулланарди. Истиқлол даврига келиб эса бугдой етиштиришда ҳам янги имкониятлар очилди. Айна кунда эса Собиржонга ўшаган ишинг кўзини билдирган фермерлар қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларчилик, интенсив боғ ва тоқзорлар барпо қилиш, иссиқхона ва музлаткичи оморхона қуриш, қуёнчилик ва қўйчиликни ривожлантириш борасида дадил қадам қўйишмоқда. 2016 йил охиригача ана шу санаб ўтилган жабҳалар бўйича Хоразмда 528 та лойиҳа амалга оширилиб, 445 та янги иш ўрни яратилди.

Мамлакатда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Уларга тўсқинлик қилаётган, эркин фаолиятини чеklangан муаммолар бартараф этилмоқда. Бунин Собиржон раҳбар фермер хўжалиги мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. 2014 йилдан бошлаб фермер хўжалиги кўп тармоқли фермер

МОҲИЯТ

**Эркин АЪЗАМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:**



— Зиёли хонадонда туғилиб ўсганман. Асли муаллимликдан чиққан отамиз кейинчалик туман миқёсидаги катта-кичик лавозимларда ишлаган, аммо умр бўйи китобни қўлдан қўймаган. Хўжалик раҳбари бўлганларида ҳам кечаси бир маҳалда даладан қайтиб, яна аллапайтга қадр китобхонлик, газетхонлик қилиб ўтирдилар. Китобнинг муҳим туюлган жойларини қалам билан белгилаб кетиш, ўқиб бўлгач, охирига ихчамгина тақризнома хулоса ёзиб қўйиш одатлари бор эди. Вилоят марказидаги катта мажлислардан қўлтиқ-қўлтиқ янги китоб билан қайтардилар. Уйимизда йўқ китобнинг ўзи йўқ эди. Назаримда, оиламиздаги китобхонлик иштиёқи ана шундан бошланган. Ўн бир фарзанд ўсган бўлсак (камина тўнғичиман), ҳозир бари турли касбнинг бошини тутиб кетганига қарамай, ҳамон китобга ишқибоз, уйда бола боқиб ўтирган сингилларгача адабий янгиликлардан хабардор, бўш вақт топиладганда китобдан бош кўтармайди. Бор гапни айтаялман, айнан шундай.

Онамиз мактаб остонасини кўрмаган, ҳарф танимасалар-да, ҳаммамиздан доно! Мақолгўй, маталгўй. Адабиётчи

ХАЁТ АҚИҚАТЛАРИ

синглимиз онадан эшитган оҳорли сўзларини бир дафтарга ёзиб юради, китоб қилмоқчи. Мен у кишини “академик знам” деб алқайман, унча-мунча масалаларда (хатто адабий ишларда ҳам) ҳануз маслаҳат сўраб келаман. Шунча фарзандни эсли-хушли қилиб ўстирган, саксонлардан ўтиб ҳам гапидан адашмайдиган кампирнинг ўзи бир мактаб-да, нима дедингиз?

У кезлари мактабда ҳам, уйда ҳам китоб ўқиш мусобақаси бор эди. Таътилда нечта китоб ўқиганимизни, улар қандай ки-

тоблар эканини отамиз раҳматли сўраб-суриштириб турардилар. Бироқ “адабиётни севишинг шарт, сен келажакда ёзувчи бўласан”, дегандек тайин йўналтирувлар бўлмаган. Кўп китоб ўқиган одам хор бўлмайди қабилдаги доимий даъватларни, ёзувчи бўламан деган аҳдимга бирон қаршилиқ кўрмаганимни таъкидлашим керак.

Туртинчи синфларда, “Ҳақиқат бор жойда туғишганингни ҳам аяма!” деган ҳикоя ёзганман, ўзимча. Сарлаҳгани қаранг! Даъвои кўринг! Шундай ўғитнамо мақол ҳам бор, биласиз. (Энди ўйласам, ана шу гап кейинчалик ҳаётини принципимга айлантирди. Қизиг-а?) Синфдошлар ўртасидаги бир келишмовчилик ростгўйлиг-у ёлгон ҳақида эди. Бош қаҳрамон, яъни

ижобий персонаж ўзим, албатта. Ҳикоя деворий газетда чиқди — муҳаррир ҳам ўзим-да. Сўнгра уни ҳозирги “Тонг юлдузи” газетасига юбордим. Жавоб келди: “Бадийи хижатдан бўш...” Назаримда эса, газетда босилиб турган нарсалардан ҳеч камлик жойи йўқ эди — ўшаларни ўқиб, ўшаларга ўхшатиб ёзганман-да. Барибир, келган сийқа жавоб хатини кўзларимга суртиб, керилиб юрганларим ёдимда.

Услубимга яқини-йўқми билмадиму, Азиз Несин, Фозил Искандар, Василий Аксёнов, Грант Матевосян, ўзимиздан Мурод

Муҳаммад Дўст ижодлари менга қизиқ туюлади. Улардан нимадир ўрганган бўлишим мумкин, аммо бирортасига ўхшамоққа ҳаракат қилмаганман. Қўлдан келганича, борига барака деб юрибмиз, ким билсин.

— Хорижий сафарларда юрганингизда Ватан соғинчи қийнайдики? Ўзбекистон, ўзбек халқи сиз учун нимаси билан қадрли?

— Менга, айниқса, қаттиқ таъсир қилган мамлакатлардан бошласам бўладики? Эрон билан Шимолий Курия. Эрон қандайдир қадимий руҳи ва бизнинг кўзимиз ўрганмаган манзаралари билан диққатимни тортган. “Техронда қўрқув йўқ” деган эссе ҳам ёзганман. Шимолий Курияга келсак... “Чапақлар ва чалпақлар”ни ўқигансиз. Бошқа нима-ям дейин? Ўша ўн кунлик сафар ҳақида шундай ҳажмдаги тагин бир китоб ёзиш мумкин... Худо у ерга қайтиб боргулик қилмасин!

Бошқа мамлакатларнинг эса манзур, ўрганса арзийдиган жиҳатлари кам эмас. Аммо қаерга бормайин, бир ҳафтадаёқ дарров Тошкентга қайтгим келаверади. Соғинч дейимиз бунини, тил-забонсиз гангиш касрими, билмадим. Ҳа-а, топдим — ҳарчанд эркин мамлакат бўлмасин, бемалол, ялло қилиб юрولмайсиз, негаки ўзингизники эмас, бегона!

Марҳабо ҚҮЧҚОРОВА ёзиб олган.

БИЛАМИЗМИ?

Бекаларга 15 маслаҳат

1. Масаллиқни қовураётганда ёғ сачрамаслиги учун озгина туз сепинг.
2. Дона тухумдан қуймоқ тайёрлашда 2 ош қошиқ совуқ сув солиб яхшилаб аралаштирсангиз, таомингиз кўпчиб чиқади.
3. Хамирга сувда эритилган крахмал қўшиб юборинг — ширин кулчалар узоқ вақт юмошқ ва мазали бўлади.
4. Қизил лавлаги одатда 3 соат қайнаганда пишади. Аммо уни 30 дақиқа қайнатиб, 15 дақиқа оқиб турган совуқ сувга солинса, тайёр бўлади.
5. Гушт қизариб пишиши учун бир оз асал суртиш керак.
6. Жигарни қовуришдан олдин озгина шакар сепилса, юмошқ пишади.
7. Тухум ёрилмаслиги учун муздай сувда туз солиб қайнатинг.
8. Қайнатилган гуруч дон-дон пишиши учун, аввал уни 30 дақиқа совуқ сувда ивитинг. Гуруччи пиширишдан олдин бир оз қовуриб юборилса, эзилиб кетмайди.
9. Сўлиб қолган кўкатларни сирка қўшилган сувга солсангиз, янги узилгандек бўлади.
10. Сабзавотлар мазали пишиши учун уларни қайнаб чиққан сувга солиш керак. Бироқ қайнатма шўрвага сабзавотлар сув совуқлигида солинади.
11. Турралган картошкани қовуришдан олдин крахмали ювилиб кетиши учун совуқ сувда чайиб, сочидка қуритинг. Акс ҳолда бўлакчалар бир-бирига ёки қозон тагига ёпишиб қолади.
12. Балиқ қовуришда қаттиқ бўлмаслиги учун унга яхшилаб ёғ суртиш тавсия этилади.
13. Қовурилган товۇқнинг ёғини қоғоз сочик билан шимдириб олсангиз, меъдага теғмайди.
14. Пиёзни қовураётганда ўткир хид чиқмаслиги учун унга озгина туз қўшинг.
15. Апельсин ва мандарин меваларининг пўстини ташлаб юборманг. Уни майда бўлакларга бўлиб пирог ва ширинликларга қўшиб юборсангиз янада хултасиз бўлади.

Умида ХУДОЙНАЗАРОВА тайёрлади.

САВОБ

Бобом эккан ниҳоллар



Касб тақозосига кўра турли соҳа эгалари билан мулоқотда бўламан. Яқинда фермерларимиздан бири ажиб воқеани ҳикоя қилиб берди:

— Отамнинг айтишларича, бобом кўчат экиб, боғ яратишни яхши кўрарди, — дейди бахмаллик фермер Алишер Усаров. — Нобъ навли мева кўчатларини топиб, боққа

ўтқазиб, парвариш қилишдан чарчамасди. Нафақат мен, балки кўшни болалар ҳам бобомга ёрдам бериб, олқиш эшитишга ишқибоз эдик. Шундай пайтда бобом боғдорчилик сир-асрорларини ривоятларга қўшиб айтиб берарди. Уйимизда йил — ўн икки ой олмалар бўлганидан кўшни болалар уларнинг ёнидан кетмасди...

14-15 ёшлик ўспиринлик чоғларим эди. Бир кун бобом бизларни ёнига чорлаб, қишлоғимиз ёнидаги тепаликка бошлади. У кишининг кўрсатмаси бўйича шу ерда мевазор боғ қилишга тушдик. Дам олишга ўтирганимизда бир отлик — бобомнинг тенгқур дўстларидан бири келиб, даврага қўшилди. Меҳмон чой хўплар экан: “Жўра, қариганингда жонингни қийнаб нима қиласан? Бу кўчатлар қачон боғ бўлади-ю, қачон ҳосилини кўрасан. Мевасидан ейиш сенга насиб қилади, йўқми?”, деб қолса денг. Бобом индамай, чуқур ўйга толди...

Бир йилдан сўнг бобом омонатини топширди. Биз эса у кишиндан ёдгор кўчатларни меҳр билан парвариш қилдик. Кўчатлар илк ҳосил берганда бутун қишлоққа олма тарқатдик. Бобомнинг ўша, тил-забонсиз айтган ошнаси ҳам невараси билан келиб, бир челақ олма олиб кетди...

Ҳозир ҳамқишлоқларимизнинг бобом ҳақида дуо қилаётганини эшитсам, хурсанд бўлиб олма еяётганларини кўрсам қадоқ кўллари билан бошимни силаётгандек, одамларни жилмайиб кузатаётгандек туюлади. Шунда у киши доим хиргойи қилиб юрадиган қўшиқ сўзлари қулогим тағида жаранлагандек бўлади:

**Болам, бобом ўлди дема, мен ўзингда яшайман,
Қилган ҳар бир эзгу амал, тилагингда яшайман...**

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ
“XXI asr” мухбири

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

Янги сузиш ҳавзаси

Қизилтепа шаҳрида болажонларга байрам совғаси бўлди.

Шаҳардаги болалар спорт мажмуи ҳудудда ўзига хос дизайнга эга ёпиқ сузиш ҳавзасининг бунёд этилиши қизилтепаликлар учун ажойиб туҳфа бўлди. Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 2 миллиард 810 миллион сўм маблағ ажратилган ушбу иншоотни “Шухрат” медали соҳиби, O‘zLiDeP аъзоси Азамат Холиқов раҳбарлигидаги “Темур Малик” масъулияти чекланган жамият қурувчилари қуриб битказишди.

— “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида бунёд этилган ушбу ҳавза сузиш йўлакчасининг умумий узунлиги ўн бир метрга йиғирма беш метрни ташкил этади, — дейди жамият иш юритувчиси Эркин Турсунов. — Шунингдек, махсус сув тозалаш фильтрлари ўрнатилган бўлиб, сувнинг сифат ва ҳарорати доимий назоратда бўлади. Энг асосийси, икки қаватли замонавий сув ҳавзасида ёш спортчилар учун бадан қиздириш машқларини бажаришга мўлжалланган алоҳида зал, душ, кийиниш хоналари, мураббий ва тиббиёт ходимлари учун махсус жиҳозланган алоҳида



иш ҳамда назарий машғулотлар учун синф хоналари мавжуд. Яна бир эътиборли жиҳати, “Қамолот” деб ном олган мажмуада ўғил-қизлар қишин-ёзин сув спорти билан шуғулланишлари мумкин.

Мансур АСЛОНОВ,
“XXI asr” мухбири

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Реклама



“Asaka” bank

2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:



“СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА”

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга “Asaka” bank миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Марғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳукуқи ўз ихтиёрингизда!
- микдори чекланмаган!

“Asaka” bank – сармомянгизнинг сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

Газетамизнинг навбатдаги сонини жорий йил 15 сентябрь — пайшанба кунини чиққди.



МУАССИС:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI—
O‘ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Солижон ТУРДИЕВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ
Абдулмажид ҚАРИМОВ
Алишер ШАЙХОВ
Икбол МИРЗО

Қўбоғлик САНАКУЛОВ
Тўлқун ЭШНАЗАРОВ
Аҳам ШОДМОНОВ
Расул КУШЕРБЕКОВ
Виктор ПАК
Бегмат ОЧИЛОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри,
Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@umail.uz

Телефонлар:
қабулхона — 215-63-80
(тел./факс).

Котибиёт — 281-40-17
Реклама ва шартнама-
лар бўлими — 215-60-45,
255-68-50

“XXI asr” иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда
10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми — 2 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г — 966 Тираж: 8290
Баҳоси келишилган нархда. Топширилиди — 06:00

Таҳририятга келган қўбозлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида теризди ҳамда дизайн

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан сертификатланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5

Навбатчи муҳаррирлар:
А. МУЗАФФАРОВ, С. ЗОИРОВ